https://forms.gle/JJPYiLzZ9oSuMQWP7

1) Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг кучга кириш санасини кўрсатинг.

а) 2023 йил 3 июль;
б) 2023 йил 3 октябрь;
в) 2023 йил 4 октябрь;
г) 2023 йил 3 август.

2) Рақобат соҳасидаги асосий принциплар:

а) инсофли рақобат, қонунийлик, шаффофлик ва тенглик;
б) истеъмолчилар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;
в) а) ва б) жавоблар тўғри;
г) инсофли рақобат, бозор тамоилига асосланган мусобақалашув, қонунийлик ва тенглик.

3) Монополияга қарши комплаенс нима?

а) монопол корхоналарни эътироф этиш;
б) коррупцияни олдини олиш;
в) рақобат тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилишининг олдини олиш;
г) рақобат ва коррупция қонунчилиги хатарларини аниқлаш.

4) Корхонада монополияга қарши комплаенсни жорий қилиш тартибини белгиланг.

а) ваколатли шахс (бўлинма) тайинланади, низом, устав ҳамда икки йиллик “йўл харита” тасдиқланади;
б) ваколатли шахс тайинланади, низом ҳамда бир йилга мўлжалланган “йўл харита” тасдиқланади;
в) Низом ҳамда бир йилга мўлжалланган “йўл харита” тасдиқланади ва Рақобат қўмитасига юборилади;
г) Ваколатли шахс (бўлинма) тайинланади, низом ва бир йилга мўлжалланган “йўл харита” тасдиқланади.

5) Рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузиш хавфининг олдини олиш бўйича “йўл харитаси” қанча муддатга ишлаб чиқилади?

а) чораклик;
б) ярим йиллик;
в) йиллик;
г) 2 йиллик.

6) ..... – товар бозорининг ҳолати бўлиб, унда технологик ўзига хос хусусиятлар туфайли товарларнинг муайян турига бўлган талабни қаноатлантиришнинг рақобатли шароитларини яратиш мумкин эмас ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмайди.

а) Устун мавқе;
б) Табиий монополия;
в) Устун музокара кучи;
г) Мувофиқлаштирилган ҳаракатлар.

7) Биржа савдоларини ўтказиш чоғида рақобатни чеклайдиган ёки чеклашга олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлардан бирини кўрсатинг?

а) биржа шартномаларида иштирокчилар сонини чеклайдиган алоҳида шартларни кўрсатиш;

б) товарларни савдога қўйиш жадвалларини биржанинг расмий веб-сайтига жойлаштириш;

в) реализация қилинмаган юқори ликвидлимаҳсулотларнинг бир қисмини такроран савдоларга қўйиш;

г) барча жавоблар тўғри.

8) Давлат иштирокидаги корхонани ташкил этишга йўл қўйилмайдиган ҳолатлардан бирини кўрсатинг.

а) товар ёки молия бозорида уч ва ундан ортиқ тадбиркорлик субъекти фаолият юритаётган бўлса;

б) товар ёки молия бозорида беш ва ундан ортиқ тадбиркорлик субъекти фаолият юритаётган бўлса;

в) товар ёки молия бозорида икки ва ундан ортиқ тадбиркорлик субъекти фаолият юритаётган бўлса;

г) товар ёки молия бозорида тўрт ва ундан ортиқ тадбиркорлик субъекти фаолият юритаётган бўлса.

9) Рақобат қўмитаси ўз фаолиятида бевосита .....?

а) Ўзбекистон Республикаси Президентига ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ҳисобдор;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентига ва Вазирлар Маҳкамасига ҳисобдор;

в) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ва Олий Мажлис Сенатига ҳисобдор;

г) Ўзбекистон Республикаси Президентига ва Олий Мажлис Сенатига ҳисобдор.

10) Рақобатга таъсирини баҳолаш учун монополияга қарши органга қайси турдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари киритилади?

а) Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан нархларни белгилашга оид;

б) ХЮСга лицензия ёки рухсат этишга оид ҳужжатларни олиш учун қўшимча талаблар бекор қилинишига оид;

в) ХЮСларга имтиёз, кафолат, преференция белгиланишини, шунингдек эксклюзив ҳуқуқлар берилишига оид;

г) Юридик шахслар устав фондининг энг кам миқдорига доир талаблар бекор қилинишига оид.